

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҒОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОҒОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОҒОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ҒАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Ғ. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОҒОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҒАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҒОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Ғ.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

А.Юсупов	
XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг Хитой билан савдо-иқтисодий алоқалари	106
И.Боҳодиров	
Туркистонда 1916-йилги халқ қўзғолони жараёнида Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг фаолияти	112
С.Холиқов	
Хорижий мамлакатларда миллий хавфсизликни таъминлашда парламентнинг ўрни	118
А.Юлдашов	
Кутубхона хизмати фаолиятида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг долзарб масалалари	122
	АДАБИЁТШУНОСЛИК
А.Сабирдинов	
Абдулла Ориповнинг шеърий маҳорати	126
Д.Қаландарова	
“Гўрўғли” достони версиялари Карл Райхл тадқиқотлари мисолида	129
Н.Сабиров	
Москва савдо компанияси Лондон тожирлари учун ўзи томонидан ёзилган «Жаноб Энтони Дженкинсоннинг россиянинг Москва шаҳридан 1558 йил Бухоро (Boghar) шаҳригача саёҳатномасида»ги Бухоро сиймоси	134
А.Абдурахмонов	
Насрий асарда ранг – лейтмотив	137
	ТИЛШУНОСЛИК
О.Латипов	
Рус ва ўзбек тилларида ёввойи қушлар номларининг коннотатив хусусияти	140
Я.Нишанов	
Мактабда адабиёт фанини ўқитиш муаммолари: замонавий ёндашув ва уларни ечиш услублари	146
Ш.Искандарова, З.Маруфова	
Мумтоз бадиий матнларда гўзалликнинг ифодаланиши	150
М.Турсунова	
Рус-инглиз тил алоқаларининг тарихи	153
Т.Алимов	
Таржима назарияси ва амалиёти	157
М.Саидова, Н.Расулова	
“The concise oxford dictionary of literary terms” луғатидаги драма адабий турига хос Терминларининг мазмуний таҳлили	161
	ПЕДАГОГИКА
Т.Эгамбердиева	
Оиладаги ижтимоий муҳит ва гендер тенглик	166
Б.Ходжаев	
Янги ренессанс педагогикаси ва Абдулла Авлоний педагогик қарашларининг уйғунлиги	172
Г.Назарова	
Бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг инновацион-педагогик омиллари	176
Г.Алимжонова	
Олий техник таълим муассасалари талабаларининг техноэтик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари	182
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
Б.Абдуганиев, Н.Азимова	
Турли никотинли маҳсулотларда никотин миқдорини хромато-масс спектрометрия усули билан аниқлаш	186

НАСРИЙ АСАРДА РАНГ – ЛЕЙТМОТИВ

ЦВЕТ– ЛЕЙТМОТИВ В ПРОЗЕ

INP ROSE THE COLOR - LEITMOTIF

Абдурахмонов Абилжон Абдусаматович¹¹Абдурахмонов Абилжон Абдусаматович

– ФарДУ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), адабиётшунослик кафедраси катта ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада рангларнинг насрий асарлардаги ўзига хос рамзий ифодалаш масаласи тадқиқ этилади. Рангнинг лейтмотив сифатида рамзий ифодаси асарнинг етакчи ғоявий-эстетик омилига айланиши А. Мирзаакбаровнинг “Оқ капалак ёхуд Муҳаббатга йўғрилган бахт” қиссаси мисолида ёритиб берилади.

Аннотация

В статье исследуется вопрос о специфическом символическом изображении цветов в прозе. Лейтмотив цвета как ведущий идейно-эстетический фактор произведения иллюстрируется на примере рассказа А. Мирзаакбарова «Белая бабочка или Счастье в любви».

Annotation

This article examines the issue of specific symbolic representation of colors in prose works. The leitmotif of color as a leading ideological and aesthetic factor of the work is illustrated by the example of A. Mirzaakbarov's story "White butterfly or happiness in love."

Таянч сўз ва иборалар: ранг, бадиий асар, рамзийлик, тамойил, тасаввур.

Ключевые слова и выражения: цвет, художественное произведение, символичность, принцип, представление.

Key words and expressions: color, artwork, symbolism, white color, principle, imagination.

Ранг табиати хусусидаги файласуф Гётенинг фикрлари эътиборга молик. “Табиатнинг бирламчи ҳодисалари қаторида ранг, шубҳасиз, ўз зиммасига юклатилган оддий ҳаракатлар доирасини катта хилма-хилликда бажарганича шунчалик юқори ўрин эгаллайди. Ҳаттоки у ўзининг энг умумий элементар намоён бўлишида, материалнинг тузилиши ва шаклидан қатъи назар, кўриш сезгиларига маълум таъсир кўрсатади. ... бу орқали эса руҳиятга ҳам маълум таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат алоҳида олинганда – ўзига хос, ўзаро боғланганда – қисман монандликда, шунингдек, кўпинча номувофиқ, лекин ҳар доим муайян ва сезиларли, бевосита ахлоқ жабҳасига туташади. Шунинг учун санъатнинг элементи сифатида олинган рангни юксак эстетик мақсадларга эришишда кўмаклашишга қўллаш мумкиндир” [1,623], деб ёзган эди у. Дарҳақиқат, рангнинг шеъриятда образ яратишдаги аҳамияти беқиёсдир. Чунки, ижтимоий-сиёсий зиддиятлар ва мураккабликларга бой бўлган воқеликнинг туб моҳиятини чуқурроқ англаб, эстетик жиҳатдан осонроқ тушунишда ранг воситасидан фойдаланиш кенг имкониятлар

яратиш беради. “Ранг ўзида мураккаб табиий-маданий, эстетик-коммуникатив ва фалсафий-эстетик феномен намоён қилади. У жамиятнинг замонавий тараққиёт босқичида доимо кенгайди ҳамда кўплаб ўзгаришларга учраб боради. Буларга қимматли, белгили, рефлексив, эмоционал-коммуникатив, этник, диний, сиёсий идентификацияланган бошқа бутун бошли қаторлар киради.”[2]

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, бадиий асарларда ранг билан боғлиқ тадқиқотда қуйидаги тамойилларга эътибор қаратиш муҳимдир:

биринчидан, асар қаҳрамони руҳиятини ифодалаган рангларнинг табиий (физик) хусусиятларига муҳим омил сифатида қараш лозим. Шунда рангларга анъанавий, муқимлашиб қолган муносабатларга қараганда ижодкорнинг поэтик оламини теранроқ англашга муҳит яратилади;

иккинчидан, бадиий асарни рангларнинг ифода майдонлари асосида тадқиқ мақсадга мувофиқдир;

учинчидан, фикр йўналишини аниқлашда муаллифнинг рангга миллий

менталитет ва шахсий муносабат тамойилида ёндашув керак. Рангнинг қандай фикрни ифодалашга йўналтирилиши индивидуал ҳодиса бўлганлиги боис, у муаллифнинг миллий менталитети ҳамда шахсий муносабат хусусияти, шунингдек, ғоявий нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда услубий хусусиятларида ҳам фарқланади. Бундай вазиятда муаллифни айнан қайси ранглар орқали оламни тасаввур этишини англаш жуда муҳим нуқта ҳисобланади. Шу орқали ижодкор дунёқараши ҳақида мавжуд тасаввурнинг ойдинлашуви ва асардаги бадиий тағқатламни чуқурроқ тадқиқ этишга кенг имконият юзага келади.

Насрий асарларда рангнинг юқорида келтирилган хусусиятларини кўплаб кузатишимиз мумкин. Рангни ифодалаб келган “сўзнинг мўъжизакор кучи образларни тасаввур қилдира олиш қудратига эгалигидир. У бешинчи сезги орқали ҳис этилган нарсаларнинг кўринмас вакилидир.”[3,133]

Насрий асарларда рангнинг қўлланиши лирик асарлардан фарқланади. Чунки, лирик асарларда ранглар ўта рамзийлик касб этиб, поэтик ғоя ҳам айнан шу рамзийлик асносида кескин бадиий ифодаларда таркиб топади. Насрий асарларда эса (кичик насрий жанрларни назарда тутяпмиз) ранг асарнинг бош қаҳрамони учун мантиқий асос омили бўлиб келади. У образ ёки деталларнинг сифатловчиси бўлиш баробарида ўзининг рамзий ифодасига хос бадиий-эстетик руҳий манзара ҳосил қила боради.

Кичик насрий асарларда буни кўпроқ нарс-буюм, жонзот ёки табиат ҳодисалари билан боғлиқ ҳолатларда кузатамиз. Абдуқаюм Йўлдошнинг “Қизил тилла, қип-қизил тилла” (ҳикоя), Асрор Аллаёровнинг “Қизил тош” (ҳикоя), Баҳодир Мурод Алининг “Оқтўш” (ҳикоя), Дилрабо Мингбоевнинг “Яшил тушлар” (ҳикоя), Маъсума Аҳмедованинг “Яшил пальто” (ҳикоя), Меҳринисо Абдурахмонованинг “Қизил олма” (ҳикоя), Муҳаммад Исмоилнинг “Қалбимдаги қизил атиргул” (ҳикоя), Олим Отахоннинг “Тўртинчи қаватдаги сарғиш дераза (ҳикоя), Усмон Азимнинг “Бир даста қизил гул” (ҳикоя), Шукур Холмирзаевнинг “Яшил Нива”, “Кўк денгиз” (ҳикоялар), Шойим Бўтаевнинг. “Қора туман” (ҳикоя) каби

асарларнинг номланишидан ҳам рангнинг рамзий ифодасига ўзига хос урғу берилади.

Бу ҳолат қиссаларга ҳам хосдир. Асадулло Мирзаакбаровнинг “Оқ капалак ёхуд муҳаббатга йўғрилган бахт” қиссасини оладиган бўлсак, асар сарлавҳасиданоқ рангнинг иштироки мавжуд. Оқ рангнинг капалак сифатловчиси бўлиб келиш баробарида ўзининг рамзий ифодалари ҳам капалакка уйғунлашиши китобхонга дарҳол аёнлашиши табиийдир.

Биламизки, оқ ранг поклик, беғуборлик ва қувончни англатади. Қадимги даврларда бу ранг ҳақиқат деб ҳисобланган, маънавият ва соддаликка интилишни англатарди. Эътиқодий қарашларда оқ ранг илоҳий нурдир. Оқ рангда фаришталар, азизлар тасвирланган. Қиссада ҳам шундай, айнан капалак оқ рангда берилишидан ижодий мақсад ўз йўсинини оқ рангнинг рамзий ифодаси асосида белгилаб олади. Асарнинг номи “Оқ капалак...” эканлиги ҳам китобхон эътиборини йўллашга маёқлик қилади. Ранг ўзи ифодалаб келаётган деталь, образ ёки нарс-буюмлар билан биргаликда такрорланиб келиши ўзига хос лейтмотивлик яратади. Натижада унинг ҳар бир такрори орқали ёзувчининг ижодий ғоясини англаш тобора ойдинлашиб боради. Асар қаҳрамони Нодир билан боғлиқ сюжетнинг динамикаси оқ ранг билан бошланади, яъни оқ рангли капалак ишораси воситасида ҳаракатга келтирилади.

“ Нодир учун нафақат чор-атроф, кўнгли ҳам зим-зиё эди. Уйга қандай етиб келганини билмайди. Дарвозани очди-ю, чироқни ёқмади. Ҳовли четидаги сўрига борди. ... Хўрсина-хўрсина у ёқ-бу ёққа ағдарилиб кўзи уйкуга илинди. Кўм-кўк, бепоён водий эмиш. Нодир болаларча шаталоқ отиб, чопиб кетмоқда. Рўпарасида бир чаманзор пайдо бўлди. Турфа гуллар очилиб ётибди. Уларнинг рангини санаб саноғига етолмаяпти. Гуллар юзида капалаклар пайдо бўлди. У оппоқ капалакни тутмоқчи бўлди. Бироқ, кўнғир тусли капалак ўнг кўлининг бош бармоғига кўниб олди. Чап кўлининг бармоқлари билан капалакни тушириб юбормоқчи бўлди. Капалак ёпишиб олгандай эди. Ана, оқ капалак учиб кетди. Буни кўрган Нодир жон ҳолатда кўнғир ране капалакни юлиб олишга ҳаракат қилганча, оқ капалак ортидан югурди. Югуриб

АДАБИЁТШУНОСЛИК

бораётиб йиқилди. Аранг туриб, кўзлари билан **оқ капалакни** қидирди. Қаршисида оппоқ либосда онаси жилмайиб турарди. – Онажон, – дея бағрига отилмоқчи бўлди. – Тўхта, – деди онаси. – Тезда қуда тоғаненинг ёнига бор! – Шундай деди-ю, нурга айланиб, **оқ капалакдай** ғойиб бўлди. Нодир бор овози билан «онажон, онажон», деганча чақириб, уйғониб кетди [4, 24-25].

Парчадаги ҳолатда беш ўринда оқ капалак лейтмотиви келтиралади. Қаҳрамоннинг оқ капалакка нисбатан манераси намоён бўла боради: *тутмоқчи бўлди, учиб кетди, ортидан югурди, қидирди, ғойиб бўлди.*

Парчада Нодирнинг “оқ капалак”ни тутишига ҳалақит қилган яна бир персонаж борлиги ва унинг ҳам айнан ранг орқали характерланиши ҳамда шу рангнинг рамзига хос ҳаракатланиши ҳам аёнлашади. Бу кўнғир тусли капалак. Демак, ушбу туш эпизодида иккита капалак иштирок этади. Маълумки, биринчиси оқ, иккинчиси кўнғир (яъни қоранинг тусларидан бири). Оқ ранг ижобий, қора (кўнғир) эса салбий оттенкалари билан капалакларни характеридан дарак бера олади. Бу капалаклар билан уринишлар Нодирнинг тақдирдан рамзий дарак эди. Қисса асосий воқеалари ривожда Нодирнинг тақдири ўлим тўшагида ётган отасининг ўғли тўйини кўриб олсин, деб шошилишч Гулчеҳра исмли “ўқимаган” қизга уйланиши (тушидаги кўнғир капалак) билан бошланиб, Ирода (Ирина) (оқ капалак)ка тақдирининг туташуш манзаралари билан яқун топади. Капалакларнинг рамзий ифодаси туш эпизоди орқали келтирилади:

“Нодирнинг тонгга яқин кўзи илинди. Анвойи гуллар қийғос очилган жой эмиш. Гулзорнинг чегараси кўринмаяпти. Қушларнинг нағмаларидан маст бўлгандай қадам ташлаб бораяпти. Жаннат деганлари шумикан? — ййларди Нодир. Дафъатан, — мен бу ерда

*бўлганман, — деди. Нигоҳлари билан капалакларни қидира бошлади. Капалаклар кўринмасди. Оқ капалакни тутолмаганини эслади. Учиб изламоқчи бўлди. Шу пайт ота-онаси қўл ушлашиб **оппоқ нур** бағридан учиб чиқишиб, Нодирнинг кўз ўнгида хавода муаллақ туриб қолишди. — Отажон, онажон, — деб уларга талпинмоқчи бўлди. — Тўхта, — дейишди бараварига. — **Оқ капалак** кўргандим. Энди йўқ-ку? Кўрмадингларми? — деди. Онаси — **оқ капалагинг** ёнингда-ку, — деди. Отаси эса: — Ўғлим, **оқ капалагингни** тутиб олганинг муборак бўлсин! — деб гап қўшди. Бараварига — капалакни эҳтиёт қил, — дейишди-да, осмон-у фалакка кўтарилишиб, **оппоқ нур** бағрига сингиб кетишди.*

*Чўчиб кўзини очди. Ёнида **оқ никоҳ кўйлагид**а капалак мисоли ётган Иродани кўрди.” [4,90]*

Парчада етти ўринда оқ ранг лейтмотив сифатида тўрт марта капалакни, икки марта нурни ва ниҳоят никоҳ кўйлагини ўзининг рамзий ижобий хусусияти билан уйғунлаштириб келади. Нодирнинг дастлаб келтирилган тушининг эпизодидаги у тутишга интилган “капалак”нинг айнан оқ эканлиги мусаффолик, поклик рамздан асар қаҳрамонининг интилган орзуларининг рўёби тимсолига қадар гавдаланади. Бу, Ирода эди.

Демак, оқ ранг лейтмотив даражасида намоён бўлиб, поклик, софликни англатишдан ҳам яна муаллифнинг бадийий ғояни намоён қилишдаги ўзига хос янги раамзий қирраларни ҳам юзага чиқаришда фаол иштирок этади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, насрий асарда рангнинг лейтмотив сифатида юритилиши анъанвий-рамзий тушунчалардан ташқари ҳам индивидуал рамзий тушунчаларни намоён қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Гёте И.В.. К учению о цвете. Хроматика.//Очерк учения о цвете (отрывки). Чувственно-нравственное действие цветов.//Гёте И.В. Об искусстве.–М.: 1975.
2. Суздальцева С.Н. Значение черного цвета в европейской эстетико-хроматической традиции. Дисс...канд. философских наук, – М., 2010.
3. Парандовский Я. Алхимия слова. – М.: Прогресс, 1972.
4. Мизаакбаров А. Оқ капалак ёхуд Муҳаббатга йўғрилган бахт. Ҳикоя./ Оқ капалак ёхуд Муҳаббатга йўғрилган бахт. Қисса ва ҳикоялар. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. –Т., 2011.

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)